

ТОШКЕНТ ҲАҚИКАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Кучли фуқаролик жамияти сари

Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси таркибидagi "Диёр" телеканали бундан буён вилоятимиз ҳаёти, Президент қарор ва Фармонлари ҳамда давлат дастурларида белгиланган вазифалар ижроси юзасидан амалга оширилаётган ишлар, бунёдкорлик, иқтисодий-ижтимоий ютуқлар ва ечимини кутаётган масалалар, уларни ҳал қилиш бўйича қилинаётган ишларни мунтазам ёритиб боради. Бу ҳақда ЎзМТРК вакилларининг вилоят ахли билан учрашувида маълум қилинди.

«ДИЁР» ТЕЛЕКАНАЛИ ВИЛОЯТИМИЗ ҲАЁТИНИ МУНТАЗАМ ЁРИТАДИ

Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан жорий йилнинг Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили, деб эълон қилинган замирида фуқароларни қийнаётган муаммоларни ҳал қилиш, одамлар дардига дармон бўлиш, уларнинг ҳаётдан рози бўлишларини таъминлаш мақсади мужассас.

Вилоят маркази – Тўйтепа шаҳридаги болалар мусиқа ва санъат мактабидида ташкил этилган учрашувда ҳам айни шу мавзуда фикр юритилди.

Давлатимиз раҳбарининг 2016 йил 28 декабрдаги "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармонида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида ташкил этилган учрашувда Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси вакиллари, вилоят маънавият тарғибот маркази, тадбиркор ва фермерлар, хотин-қизлар, таълим муассасаларининг ўқитувчи ва тингловчилари, ОАВ ходимлари ҳамда жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Самимий мулоқот тарзида ўтган давра суҳбатидида фуқаролар телевидениеда эфирга узатилаётган бадий ва ҳужжатли фильмлар, кўрсатув ва мулоқотлар юзасидан фикр-мулоҳазаларини билдириб, ўзларини қизиқтираётган мавзулар хусусида тўхталдилар.

Хусусан, бугунги кунда телеканалларда намойиш этилаётган енгил-елпи мавзулардаги айрим кўрсатувлар ўрнига ёшлар маънавиятини юксалтиришга ҳисса қўшадиган маданий-маърифий дастурларни кўпайтириш, шифокор, ўқитувчи, қурувчи ва фермерлар каби халқ хизматидаги касб эгалари орасидан замонамиз қаҳрамонларини кашф қилиб, уларнинг фаолиятига бағишланган туркум чиқишлар тайёрлаш тақлифи илгари сурилди.

– Бу каби учрашувлар фаолиятимизнинг янги йўналишларини белгилаш ва халқимизни қизиқтираётган масалаларни кўпроқ ёритишда бизга ёрдам бериши шубҳасиз, – дейди ЎзМТРК Мурожаатлар билан ишлаш, назорат ва таҳлил қилиш бўлими бошлиғи Шерзод Очилов. – Телетомошабинлар томонидан билдирилган очик ва ошқор вакирлар эса фаолиятимизда берилган ҳаққоний баҳодир.

Учрашувда вилоят ҳокимининг ўринбосари Алимардон Қаршиев сўзга чиқди.

Фарҳод ТОЛИПОВ,
"Тошкент ҳақиқати"
мухбири.

Янгиликлар, хабарлар,
таҳлилий-танқидий мақолалар
билан газетамизнинг интернет-
даги манзили – www.thtp.uz
орқали ҳам таниши-
шингиз мумкин.

ИНСОН АЗИЗ, ДИЙДОР ШИРИН, ҚАДР МУҚАДДАС

Қаҳрамонлик, бурч ва фидойилик

Катталарга ҳурмат, кичикларга иззат, меҳр-оқибат туйғулари халқимиз қалби ва шуурига чуқур сингган фазилатлардандир. Аждодлар хотирасини ёд этиш, эзгу ишларга сафарбарлик, бугун ёнимизда юрган, элу юрт тинчлиги ва равнақи йўлида хизмат қилган нуронийларни эъзозлаш маънавий ҳаётимизнинг ажралмас қисмидир. Бу мамлакатимиз Президентининг "Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида"ги Фармони ҳамда "Хотира ва Қадрлаш кунига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарорида ҳам ўз аксини топди.



Барча жойда бўлгани каби вилоятимизда ҳам уруш қатнашчиларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш бўйича қўламли ишлар давом эттирилмоқда.

Вилоят ҳокими Шуқрулло Бобоев бошчилигидаги жамоатчилик вакиллари уруш қатнашчиларининг хонадонларига совға-саломлар билан таширф буюришди.

Маълумотларга кўра, бугун вилоятда 193 нафар

уруш қатнашчиси ҳурмату эъзозда яшамокда. Уларнинг чеҳрасида бугунги ҳаётдан шукроналик, дорилмон кунларнинг роҳат-фарогатидан шодумонлик туйғуси аримайди. Ҳозир уларнинг ҳар бирига Президент Фармони асосида белгиланган пул мукофотлари берилмоқда. Шунингдек, янги имтиёзларга мувофиқ улар ўзимизда ишлаб чиқарилган автомобилларни навбатсиз харид қилиш имконига эга бўлишди.

Юқори Чирчиқ тумани "Навбахор" маҳалласи 8-март кўчасидаги 12-хонадон кўчликка таниш. Бу ерда 92 ёшли уруш қатнашчиси Тошмурод бобо Қосимов яшайди. Рафиқалари билан бирга 5 фарзандни оқ ювиб, оқ тараб катта қилишган. Бобо баъзида 60 дан ортиқ набира оғзаларининг исмини эсломай қоладилар. Азизбек – сеvimли набираларидан бири. Ўзларига берилган имкониятдан фойдаланиб: "Шу набирамга эсдалик бўлсин", деб янги русумдаги Nexia автомобиллини олиб бердилар. Шу куннинг ўзидида машинани тантанали равишда тақдим этишди. Бундан ташқари, бобога пул мукофоти ҳамда жамоат ташкилотлари совғалари ҳам тортиқ қилинди.

– Бизни шунчалик ардоқлаган давлатимизга, Президентимизга мингдан минг раҳмат, – дейди Тошмурод бобо. – Ёшлигим олис жангоҳларда қолиб кетган. Лекин, минг шукр, бугунгидек дорилмон кунларни кўриш насиб этди. Ёшларимизнинг йўлини берсин, элу юртимизга кўз тегмасин. Буларнинг барчаси мустақиллик, тинчлик-осойишталик шарофатидан, ахир.

Давоми 2-бетда. ➡

АЁЛНИ ЭЪЗОЗЛАШ – АЗАЛИЙ ОДАТ

Буюк Соҳибқирон Амир Темур "Аёлларга имкон қадар илиқ муомалада бўлишга ҳаракат қилдим", деганларида солиҳ фарзандларни тарбиялаб вояга етказувчи, зарур пайтда доно фикр-мулоҳазалари билан жамиятга фойда келтирувчи мунис ва оқила аёлларни назарда тутгани шубҳасиз.

Давра суҳбати

Тошкент давлат аграр университетидида Халқаро Амир Темур хайрия жамоат фонди вилоят бўлими ташаббуси билан "Темурийлар даврида аёлларнинг мавқеи ва ўрни" мавзусида ўтказилган давра суҳбати таллаб кизларимизда ўзбек аёлидек улуг номга, оналик мартабасига,

оқила киз, дилдор келин, деган шарафга муносиб бўлиш туйғусини шакллантиришга йўналтирилди.

– Халқимизда аёлларга бўлган алоҳида эътибор, ҳурмат, ишонч ва рағбат туфайли Бибиҳоним, Гавҳаршодбегим, Хонзодабегим, Гулбаданбегим, Нодира, Зе-

бунисо, Увайсий каби ўткир салоҳиятли, зукко аёллар етишиб чиққан, – дейди мазкур жамоат фонди вилоят бўлими раҳбари Муҳаббат Шоюсупова. – Айниқса, темурийлик маликалар орасида Сароймулкхонимнинг алоҳида ўрни, мавқеи бўлган. У дид-фаросатли, чуқур мулоҳазали, юксак иродали, шу билан бирга тадбиркор бўлган. Ўз ақл-заковати билан нафақат Соҳибқироннинг, балки эл-эзлуснинг меҳрини қозонган. Шунинг учун Соҳибқирон ўз фарзанди Шоҳруҳ Мирзо, суюкли на-

биралари Мирзо Улуғбек, Муҳаммад Султон, Халил Султон ва бошқаларни унинг тарбиясига топширган...

Давра суҳбатидида, темурийлар даврида аёллар маънавияти, либослари, шу даврдаги осориатикалар ва уларга жаҳон маданияти вакилларининг берган юқори баҳоси ҳақида ҳам сўз борди.

Тадбирда вилоят ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Сайёра Файзиева сўзга чиқди.

Сайёра РИХСИБЕВА,
«Тошкент ҳақиқати»
мухбири.

Жараён

Янгиобод кўчасида яшовчи иккинчи гуруҳ ногирони Шаҳринисо Комилова шу йил январь ойининг бошида пенсия тайинлаш учун керак бўладиган барча ҳужжатларни тайёрлаб, Ўрта Чирчиқ туман пенсия жамғармасига тақдим этди. Унга 4 январдан 451 минг 521 сўм миқдорда ёшга доир пенсия тайинланди. Бироқ, апрель ойининг ўрталаригача, пенсияларини ололмагач, республика Президентининг Виртуал қабулхонасига мурожаат қилишга мажбур бўлди. Натижада, аввал апрель ойи пенсия пули шу ойнинг тўлов ведомостида киритилди. Январ, февраль ва март ойлари пенсия пуллари эса, май ойиникига қўшиб тўланадиган бўлди.

ОДАМЛАРНИ РОЗИ ҚИЛИШ САОДАТИ

Истиқлол қишлоғи "Чуқур овул" маҳалласилик Абдуҷамол Ниёзов ўғлини шу йил 7 апрель кун "Веgetация дистония синдроми, сунрункал бронхит турмуш ташхиси билан турман шифохонасига даволаш учун ётқизди. Аммо, зарур тиббиёт анжомлари, керакли дори-дармонларнинг йўқлиги ва ходимларнинг қўпол муомаласидан ранжиб, Президентнинг Виртуал қабулхонасига шикоят йўллади.

– Мурожаатим вақтида эътиборга олинб, шифохонанинг терапия бўлими мудири Ш. Қосимова, терапевт М. Умирзокова, невропатолог М. Арслонова билан суҳбатдан сўнг муносабат ўзгарди, – дейди А. Ниёзов. – Ҳозир ўғлимнинг аҳволи яхши. Соғлиғи анча тикланди. Қумовуллик Акбар

Оролов шахсий дўконини очиш учун туман ҳокимлиги орқали ер олмоқчи бўлди.

– Шунда ҳокимлик вакили менга 20 тонна металллом топширишни буюрди, – дейди А. Оролов. – Бу топшириқни бажардим. Аммо, орадан бир йил ўтса ҳам ер ажратиб беришмади. Охири давлатимиз раҳбарининг Виртуал қабулхонасига мурожаат қилдим. Ниҳоят ниятимга етadиган бўлдим. Тошкент – Бекобод йўли ёқасидаги Йўлчиқали қишлоғи ҳудудидан 12х9 ўлчамли ер майдонини тавсия қилишди. Мурожаатимда кўрсатилган 20 тонна металллом масаласига келсак бундай топшириқ берган ходим эгаллаб турган лавозимдан бўшатилди.

Давоми 2-бетда. ➡

2017 йил – Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили ЖАМОАТЧИЛИК МАСЪУЛИЯТИ ОРТМОҚДА

Янгийўл туманидаги "Баҳор" маҳалла фуқаролар йиғинида Жиноят ишлари бўйича Янгийўл туман судининг очик сайёр суд мажлиси бўлиб ўтди.

Сайёр суд мажлисида туман ички ишлар идораси мутасаддилари, маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари, нуронийлар, таълим муассасалари раҳбарлари, ўқитувчилар, ўқувчи-ёшлар иштирок этди.

Мустақиллик йилларида амалга оширилаётган изчил ишловлар жараёнида суд-ҳуқуқ соҳасини демократлаштириш ва эркинлаштириш, суд ҳокимиятининг фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги роли ва аҳамиятини оширишда юксак самаралар бермоқда.

Президентимизнинг 2016 йил 21 октябрдаги "Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ

ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги, 2017 йил 21 февралдаги "Ўзбекистон Республикаси суд тизими тузилмасини тубдан такомиллаштириш ва фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармонлари бу борада муҳим дастуриламал бўлмоқда.

– Суднинг асосий вазифаси одил судловни амалга ошириш, шунингдек, жиноят сабаблари, унинг содир этилишига имкон берган омилларга барҳам бериш тўғрисида тегишли муассаса, корхона, ташкилот, маҳалла фуқаролар йиғинларига тақдимнома, хусусий

ажримлар киритишдан иборат, – дейди Жиноят ишлари бўйича Янгийўл туман суди раиси Баҳром Тошўллов. – Бу каби сайёр суд мажлислари ўтказишдан кўзланган мақсад айбдорга фақат жазо тайинлаш эмас, балки содир этилган жиноий қилмишнинг келиб чиқиш ҳамда жиноят ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда давлат ва жамоат ташкилотлари билан кенг жамоатчилик ҳамкорлигини янада мустаҳкамлашдир.

Сайёр суд мажлисида кўриб чиқилган жиноят ишлари бўйича айбдорлар қонуний тартибда жазога

тортилди. Суд мажлиси ақунлангандан сўнг маҳалла фуқаролари, таълим муассасалари, ҳуқуқ-тартибот идоралари вакиллари иштирокда очик мулоқот ўтказилди.

– Суд мажлисида ўтириб, содир этилган жиноят, унинг оқибатларини кўз ўнгимда гавдалантирар эканман, бу ҳуқуқбузарликларнинг юзага келишида оила, таълим муассасаси ва албатта, маҳаллалардаги тартиб-интизомга, фарзандларимиз тарбиясига етарли эътибор қаратмаётганимизни янада теран англадим, – дейди "Нов" маҳалла фуқаролар йиғини раиси Ҳасанбек Отабеков. – Маҳалламиз йигитлари – 20 ёшли Жасур Нурматов ва Зағиота агросаноат касбхунара коллежи ўқувчиси

Жавоҳир Ганиев бировнинг уйига қасб қилиб ўғирлагани, айби тадбир бўлмагани, маълум муддатга озодлигини чеклаш жазоси тайинланганида виждонимиз қийналди. Бундан ўзимизга етарли хулоса чиқарган ҳолда фарзандларимиз тарбияси, ёшларнинг бандлигини таъминлаш, уларни фойдали машғулотларга жалб этишга янада жиддий эътибор беришимиз лозимлигини тушундик.

Иштирокчиларга суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ этиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш борасида мамлакатимизда амалга оширилаётган изчил чора-тадбирлар ҳақида атрофлича маълумот берилди.

И. АВВАЛБЕКОВ,
ЎЗА мухбири.

2017

йил
учун

«Тошкент
ҳақиқати»
газетасига

ОБУНА

Давом
этноқда!

ИНСОН АЗИЗ, ДИЙДОР ШИРИН, ҚАДР МУҚАДДАС



Бу йил 91 ёшни қаршилаган Саидзим бобо Шоюсупов Янгибозор қўргони "Наврўз" маҳалласининг энг нуруний отахони. Урушдан кейин 40 йил давомида колхозда меҳнат қилган. 4 ўғил ва 2 қизни ҳалол ризқ ва насиба билан оёққа турғазди. Фарзандлари ҳозир халқ хизматида. Вилоят ҳокимининг йўқловидан Саидзим бобонинг бош кўкка етди.

Кейинги йўқлов Паркент туманининг сўлим Заркент қишлоғига бўлди. Омон бобо Ёров 95

◀ Бошланғич 1-бета.

ёшда бўлишларига қарамай ҳали тетик, бардам бақувват. 6 қиз ва 5 ўғли атрофида гирдиқалак. Меҳрибон келинларнинг бири олиб, бири қўйиб хизматда. Отахоннинг хонадонидида чоққина, кўркам боғ бор экан – олмаю гилослар бир гуллабдики, ҳавасингиз келади. Ҳовли бир ажойиб, файзли. Назаримизда, ҳовлининг асл файзи Омон бобо билан тўқис.

– Одам кунига камида 100 марта шукр қилиши керак, – дейди Омон бобо. – Шукрда ҳикмат кўп. Ҳаётининг баракаси ҳам, мазмуни ҳам шукр

билан. Сизлар ҳам менинг ёшимга етиб юринглар.

Вилоят ҳокими отахон билан бир дастурхон атрофида ширин суҳбат қилди. Омон бобо Паркентнинг сўлим боғлари, лалми ерларда узум етиштириш анъаналари ҳақида анча гурунг берди. Буни қарангки, ўғли Баҳодир ҳам фермерлик қиларкан. Анчадан бери ҳўжалик қорига ярайдиган "Дамас" бўлса эди деб, дилига тугиб юраркан. Яхши ният – ярим мол, деганлари шу: бу ният рўёби ўзини кўп куттирмади. Шу кун мутасаддилар навбатсиз ха-

рид қилинган "Дамас" автомобиллини карнай-сурнайлар билан олиб келиб, топиришти. Бундан оила аъзолари бирдек хурсанд бўлишди.

Дарҳақиқат, уруш заҳматини бошидан ўтказган инсонлар бугунги тинчлик қадрини теран англайди. Ўрта Чирчиқ тумани "Янгилик" маҳалласида яшаб, умргузаларонлик қилаётган 94 ёшли Султонхон бобо Мухамедхоннинг урушдан олган жароҳатлари битиб кетган бўлса-да, унинг даҳшатлари ҳали ҳануз қалбидида қолган.

Набираси Дониёрбек айни пайтда темир йўл

соҳасида ишлаяпти. Ишга бориб-келиш учун автомобиль жуда керак бўлиб турганди. Президентимизнинг ташаббуси билан яратилган имконият сабабли набирасига атаб, ёшларбоп "Spark" автомобиллини навбатсиз харид қилиб олиб берди. Гижинглаган оппоқ "жйронтой"нинг қалитини виллоят ҳокимидан қабул қилиб олган бобо уни ҳаммининг кўз ўнгиди Дониёрбойга тортиқ қилди. "Менинг 'кўлоғим', бир жойга борсам дастўрим шу-да", дейди отахон мутуйба қилиб.

Яхшилик – дунёни асрайди, дейдилар. Ҳақ гап. Эътибор ва рағбат, иззат-икром хонадонлар файзи бўлган нурунийларнинг кўзига нур, қалбига сурур бахш этмоқда.

Бундай самимий йўқлов, дийдор ва мулоқотлар виллоятимизнинг барча туман ва шаҳарларида кўтаринки қайфиятда давом этмоқда.

Хушхуда ТУРСУНБЕКОВА,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири.
Мансур ҲИММАТОВ
олган суратлар.

□ Партиялар ҳаётидан

МУШТАРАК ТАШАББУСЛАР

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси виллоят кенгаши қошида ёшларда етакчилик ва ташаббускорлик маҳоратини ошириш, ватанпарварлик ҳиссини ривожлантириш мақсадида "Ёш сиёсий билимдонлар" клуби ташкил этилди.

Клубдаги ўқув-машғулотларда малакали мутахассислар, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва ҳудудий Кенгаш депутатлари иштирок этади. Машғулотлар мунозара, тенгдош-тенгдошга, ўрган-ўргат, гуруҳ бўлиб ишлаш шаклида олиб борилади. Унда иштирокчиларнинг ҳуқуқий саводхонлиги, мафкуравий иммунитет ва турли соҳалардаги билимлари ривожлантирилиб, мустақамланиб борилади.

Партия Ўрта Чирчиқ туман кенгаши, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати туман кенгаши

ҳамда туман агросаноат ва транспорт касб-хунар коллежи билан ҳамкорликда "Депутат ва ёшлар" лойиҳаси доира-сида учрашув ўтказди. Унда сўзга чиққанлар ёшлар ўртасида китобхонлик хусусида сўз юритдилар. Шунингдек, ёшларни қизиқтирган ва ўйлантираётган саволларга атрофлича жавоб бердилар.

Мамлакатимизда тadbиркорлик ва ишлаб чиқариш билан шуғулланаётган ишбилармонларга кенг имкониятлар яратилмоқда. Жойларда банк ходимлари ва тadbиркорлар билан учра-

шувлар, мулоқотлар ташкил этилмоқда.

"Банк кредитлари – хунармандларга!" деб номланган ана шундай учрашувлардан бири "Дўрмон" аҳоли дам олиш ва маданият марказида бўлиб ўтди.

Партия виллоят кенгаши ҳамда Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки виллоят филиали билан ҳамкорликда ўтказилган тadbирда банк мутасадди ходимлари, тadbиркор-хунармандлар ва касб-хунар коллежларининг битирувчи ёшлари иштирок этди.

Учрашув якунида ёш тadbиркорларга банкдан имтиёзли кредит олиш имконини берувчи махсус сертификатлар топирилди.

Отабек ИСРОИЛОВ,
партия фаоли.

ЮТУҚЛАР ЎЗИМИЗНИКИ, КАМЧИЛИКЛАР ҲАМ

Ўзбекистон "Адолат" СДП марказий кенгаши, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, Адлия вазирлиги қошидаги Юристар малакасини ошириш маркази, "Тараққиёт стратегияси" маркази ҳамда Янгийўл туман ҳокимлиги ҳамкорликда "Ҳаракатлар стратегияси – ижтимоий соҳадаги ислохларнинг муҳим омили" мавзусида давра суҳбати ўтказди.

Тadbирда таъкидланганидек, мустақиллик йилларида аҳоли бандлиги ва реал даромадларини изчил ошириш, янги иш ўринларини яратиш, энг аввало, коллеж битирувчиларининг бандлигини таъминлаш, аҳолига ижтимоий, тиббий хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, коммунал-маиший соҳани ислоҳ қилиш Ўзбекистоннинг жорий Ҳаракатлар стратегиясида бош вазифалардандир. Айни жабҳадаги ишлар самардорлигини оширишда эса нодавлат нотижорат ташкилотлар ҳамда давлат ҳокимияти вакиллари кўлини кўлга бериб, ижтимоий шериклик институтини доирасида фаол ҳамкорлик қилиши зарур.

– Дарҳақиқат, Ҳаракатлар стратегияси мамлакатимиз тараққиётида

янги даврни бошлаб берди. Энг муҳими, умумхалқ муҳофазаси, мутахассислар чиғиринида ўтган баайни дастуриламал ҳар биримизни фаолликка, юрт келажаги йўлида азму-шижоат кўрсатишга нафақат давват этади, айни пайтда, рағбатлантиради ҳам. Боиси, унда инсон омили биринчи ўринга қўйилган, зарур меҳнат шaroитлари билан таъминлаш; аҳолининг турмуш даражасини ошириш барча мақсадларнинг марказида туради, – дейди Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутаты Людмила Кошелапова.

Тadbир якунида Ҳаракатлар стратегиясидаги ижтимоий соҳани ислоҳ этишга қаратилган йўналишлар юзасидан фикр алмашилди.

"Адолат" социал-де-

мократик партияси виллоят кенгашининг навбатдаги VIII пленуми бўлиб ўтди. Унда кенгашнинг ўтган йилги фаолияти сарҳисоб қилиниб, 2017 йилги вазифалар муҳофазаси қилинди.

Ўтган йилда халқ депутатлари виллоят, туман ва шаҳар кенгашлари сессияларида кўриб чиқиш учун депутатлик гуруҳи томонидан 12 та масала киритилиб, уларда 19 марта мансабдор шахснинг ҳисоботлари тингланди. Доимий комиссия йиғилишларига 17 марта таклиф, турли масалалар юзасидан 210 та депутатлик сўровлари киритилди ва уларнинг аксарияти ижобий ҳал этилди.

Маълумотларга кўра, партия ўтказган 773 дан ортиқ тadbирда 63 мингдан зиёд фуқаро қатнашди. Бироқ, жойларда ўтказилган тadbирларнинг барчаси ҳам талаб даражасида ташкил этилмади. Қибрай, Чиноз, Юқори Чирчиқ ва Куйи Чирчиқ туманлари кенгашларининг бу борадаги фаолияти қониқарли эмас, деб баҳоланди.

Зулайхо ЧўЛПОНОВА,
партия виллоят кенгаши матбуот котиби.

ОДАМЛАРНИ РОЗИ ҚИЛИШ САОДАТИ

Тумандаги Ангор қишлоғида яшовчи Ҳайдар Қудратовнинг ҳам Халқ қабулхонасига иши тушди. У Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек туманидаги аҳолига автотранспорт хизмати кўрсатувчи корхона – "Азия Карьер Сервис" масъулиятли чекланган жамиятида меҳнат қилган давридаги иш ҳақини тўлиқ ололмай, анча сарсон бўлди. Ниҳоят, кейинги пайтларда қўлаб фуқароларнинг анчадан бери ечимини кўтиб ётган муаммоларини жойида ва тез ҳал қилиб бераётган Халқ қабулхонасига мурожаат қилишдан ўзга чораси қолмади. Кутганидек, қабулхона мутасаддилари қарздор корхона раҳбарияти билан боғланиб, масалага ойдинлик киритишди. Шу пайтгача чўзиб келинган 1 миллион 300 минг сўм иш ҳақи апрель ойидан кейинга қолдирмай тўланадиган бўлди.

Кўриниб турибдики, халқнинг кундалик турмуши билан боғлиқ камчилик ва нуқсонлар, ҳал бўлмаётган муаммолар оз эмас. Бирор соҳа ё мавзу йўқки, Президентнинг Виртуал ва Халқ қабулхоналарига тушаётган мурожаатларда акс этмаётган бўлса, Аризаларнинг аксарияти бандлик ва тadbиркорликка оид муаммоларга тааллуқли. Хусусан, Салим Пўлатов номли маҳалла фуқароси Ғайрат

Алиқуллов бир муддат иш қидириб, ўзига мос ва рўзгор тебратиш учун мақбулини тополмай, Виртуал қабулхонага мурожаат қилди. Унинг аризаси билан ишчи гуруҳ шуғулланиб, вазирани аниқлади. Шундан сўнг ариза муаллифига Ўрта Чирчиқ туман "TSI KAPASU-PAKHTA" очик акциядорлик жамияти кўшма корхонасига ишга йўлланма берилди. Шунингдек, Қумовул қишлоғи "Тошқол" маҳалласида яшовчи Шаҳзод Йўлчиев темир йўл коллежини битиргач, мутахассислиги бўйича иш топишга қийналиб, Виртуал қабулхонага мурожаат қилиб, мақсадига эришди.

"Тараққиёт" маҳалласидан Гулнора Пардаева ташландиқ ҳолга келиб қолган мева олиб, мева етиштириш билан шуғулланиш ниятида эканини маълум қилди. Аниқланишича, у айтган боғ "Насиба агро синтез" фермер ҳўжалиги балансида экан. Аммо, мурожаатчи ноумид қилинмади. Бу масала кўриб чиқиш учун туман ҳокимини таъин қилишди. Нима бўлганда ҳам ташландиқ боғ масаласи Виртуал қабулхонага олиб чиқилгани боис, ё фермер ҳўжалиги ёки тadbиркорнинг сазй-ҳаракати билан қайта ривожланиши, шубҳасиз.

Абдусомид ЙўЛДОШЕВ,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири.

◀ Бошланғич 1-бета.

□ Интилиш

Боғдорчилик ва узумчилик томорқа ҳўжаликларида маҳсулот етиштиришдан то харидорга етиб боргунча бўлган жараёнда деҳқонга кўмак, баъзи ҳолларда маслаҳат керак бўлади.

ОМИЛКОРЛИК БОШ МЕЗОН БЎЛСА...

Бу борада эса Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарори ижроси доирасида ташкил этилган виллоят "Боғдорчилик ва узумчилик ширкатлари, дала ҳовли ҳўжаликлари мувофиқлаштириш иттифоқи маркази" аҳолига яқиндан ёрдам бериб келмоқда.

Мазкур марказ боғдорчилик ва узумчиликка ихтисослашган 600 га

яқин дала ҳовли ширкатларини қамраб олган бўлиб, фаолияти давомида ўз аъзоларининг ҳўқуқ ва қонуний манфаатларини ҳам ифода, ҳам ҳимоя қилади. Мазкур нодавлат нотижорат ташкилотнинг яқинда бўлиб ўтган йиғилишида тараққиётнинг ҳозирги босқичида қилинажак ишлар сарҳисоб этилди.

– Дала ҳовлиларда боғдорчилик ва узумчи-

лик билан шуғулланиш шунчаки ҳавасмандлик эмас. Буни чуқур англаган ер эгалари зарур маслаҳат ва кўмак сўраб бизга мурожаат қилаётирлар. Энг муҳими, "Унумдор заминнинг ҳар қарич ерида сархил мева-валар, ширадор узумлар етиштириш имконияти бор экан, нега энди кўл қовуштириб ўтириш керак?", деган фикр одамларимизнинг ўзидан чиқаяпти, – дейди марказ аъзоси А. Эргашев.

Йиғилиш давомида кун тартибидидаги масалалар юзасидан фикр алмашилди, келгуси режалар кизгин муҳофазаси қилини ҳамда марказнинг кенгаши аъзолари сайланди.

Ўз мухбиримиз.



Қобилжон ҒОҒУРОВ олган сурат.

Бекобод томонларда

МЕТАЛЛУРГЛАР КЎРИҚДАН ЎТМОҚДА

Бекобод шаҳар "Металлург" шифонасига ҳомийлик ёрдами билан олиб берилган замонавий тиббиёт ускуналари металлурглр учун касалликларга тўғри ташхис қўйиш ва соғлиқларини тиклашда кўп келмоқда.

Айни кунларда комбинатнинг 46 та цех ва бошқа таркибий бўлинмаларида меҳнат қилаётган 10 мингдан зиёд ишчи-ҳодимлар тиббий кўриқдан ўтказилмоқда.

Феруза ТўРАЕВА.

ЖАЖЖИ ҚАЛБЛАР СЕВИНЧИ

Бекобод тумани Зафар шаҳарчасида 1-мактабгача таълим муассасаси "Бекобод ишонқ қурилиш" корхонаси ташаббуси билан қайта таъмирдан чиқарилиб, фойдаланишга топширилди.

Таъмир жараёнида муассасанинг бир қатор муаммо ва камчиликлари ҳам бартараф этилди. Хусусан, таъмирдан олдин муассасада иссиқ сув танқислиги, канализация йўқлиги, болалар хонасида жиҳозларнинг етишмаслиги ва борларнинг талабга жавоб бермаслиги, ёритиш ва иситиш

тизимидидаги муаммолар кўндаланг турар эди. Эндиликда ошхона, кир ювиш, тиббиёт хоналари ҳам тўлиқ янгиланди ва қайтадан жиҳозланди.

– Ҳозир муассасамизда 140 бола тарбияланмоқда, – дейди мудира Манолат Шойбўтаева. – Ўйинчоқ ва дидактик материаллар йил давомида янгиланган бўлиб, тарбиячиларимиз ўз устларида ишлаб, замонавий ва илғор педтехнологияларни қўллашга интилишмоқда.

Сарвиноз БАҲОДИРОВА.

ТИНЧЛИК – БЕБАҲО НЕЪМАТ

Ҳозир дунёда тинч-осойишта, беҳавотир яшаш бахти ҳаммага ҳам насиб этавермайдиган бебаҳо бир неъматга айланди. Боиси, дунёда бу саодатдан мосиво кимсалар қўлаб топилади.

□ Агар огоҳ сен...

Мустақил Ўзбекистон халқининг тинч, осойишта, фаровон ҳаёти кураи заминдаги кўпгина мамлакат аҳолиси учун орзуга айланган. Лекин, бундан хотиржамликка берилсак, уни бой бериб қўйишимиз мумкин. Зеро, ораминда шундай бепарво, лоқайд инсонлар йўқ эмас.

Яқинда виллоятимизнинг Қибрай тумани, Зафаробод қишлоғидаги тadbиркорлик касб-хунар коллежиди ички ишлар бошқармаси, МХХ чегара қўшинлари, прокуратура ходимлари

ҳамда "Маҳалла" хайрия жамоат фонди ҳамкорлигида "Хўшёрлигинг" – тинчлигинг" мавзусига бағишланган давра суҳбати ташкил этилди.

Тadbир давомида номийиш этилган "Осо-йишта сарҳад – барча-мизиники" номли ҳужжат-ли фильм зафарободликларда катта таассурот қолдирди. Унда баъзи юртдошларимизнинг этиборсизлиги, бефарқлиги туфайли чегара ҳудудида рўй бераётган айрим тартибсизликлар ҳақида сўз боради. Би-

либ-билмай, чегара атрофида юрган нотаниш кимсаларга ёрдам бераётганлар ўз халқининг тинчлигига раҳна солаётганини тушуниб етармикан? Хулоса шуки, нотаниш кимсалар билан муомала қилаётганда улар ким, қаердан келган, мақсади нима эканига қизиқмаган ҳар қандай фуқаро катта ҳа-толикка йўл қўяётганини билиши керак!

Зеро, мамлакатимиздаги ободлик, тўқинчилик, ривожланиш, бунёдкорлик – буларнинг бари тинчлик туфайлидир. Уни кўз қорачигидек асраш, ҳар қадамда огоҳ бўлиш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиздир.

Алишер ОРИПОВ,
ҳарбий хизматчи.

СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРҒИБОТИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўлаб-қувватлаш жамоат фонди виллоятимизнинг барча туман ва шаҳарларида оила, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш борасида қатор лойиҳаларни амалга оширмоқда.

□ Тadbир

Тўйтепа шаҳридаги ижтимоий иқтисодий касб-хунар коллежиди "Соғлом оилага – маънавияти соғлом авлод билан" лойиҳаси асосида ташкил этилган тadbир ҳам шу мавзуга бағишланди. Унда туман тиббиёт бirlашмаси шифокорлари, маҳалалар фаол аёллари ва таълим муассасаси ўқувчи қизлари қатнашди.

– Фарзандларимизнинг ҳар томонлама етук бўлиб камол топиши учун барча шароитларни яратиш ва оилаларда соғлом турмуш

муҳитини янада шакллантириш мақсадида йил давомида барча туман-шаҳарларда қўлаб тadbирлар ўтказиб келаямиз, – дейди виллоят "Ижтимоий ҳимоя" жамияти раҳбари Баҳром Холдорев. – Бу каби сазй-ҳаракатларимиз билан оз бўлса-да, жамиятимиз раво-накига хисса қўшаётганимиздан мамнушим.

Лойиҳанинг асосий вазифаси виллоят аҳолисининг тиббий билиминини ошириш, яқин қариндошлар ўртасидаги ҳамда эрта

никоҳнинг олдини олиш, ёш оналарга соғлом фарзандни дунёга келтириш юзасидан тавсия ҳамда тиббий маслаҳатлар беришдан иборат. Ўзaro фикр-мулоҳазаларга бой тарзда ўтган тadbир виллоят "Ижтимоий ҳимоя" жамияти, туман хотин-қизлар қўмитаси, ўрта-максус касб-хунар таълими муассасалари, Саломатлик ва тиббий статистика институти виллоят бўлими ҳамда ўзини ўзи бошқариш идоралари билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Тadbир сўнгиди иштирокчиларга грант лойиҳаси асосида тайёрланган махсус дастурий қўлланмалар тарқатилди.

Абдулазиз МУСАЕВ,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири.

□ Оилавий бизнес

Ойбек Ўрмонов "Чангтепа" маҳалласининг қалдирғоч тadbиркорларидан. Шолы тегирмончи, макжаҳхори сўтасини пўстлоғи билан янчиб, ем тайёрлайдиган чоққина цехи аҳолига хизмат қилаётганига ўн йилдан ошди. То-морқасидаги иссиқхонада 15 минг түп эртапишар ва серхосил помидор қўчати-ни парваришламоқда. Хонадонидида қўй, қурка, ўрдақлар ҳам кўпайгандан-кўпайиб бормоқда. Бу оилада бекорчи йўқ. Ота-онаю 7 фарзанд меҳнат билан банд.

ЧАНГТЕПА ҚИМРОНИГА ТОБИҒИЗ ҚАЛАЙ?

Тиниб-тинчимас тadbиркор яна бир антика ишга қўл урди. Маълумки, туячиликнинг фойдали жиҳатлари жуда кўп. Айниқса, сўти – қимроннинг шифобахш хусусиятлари алоҳида қадрланади. У оғир кўринишдаги юрак-қон томир, жигар, қабзият, ошқозон, қанд касалликларининг беназир да-воси экани яхши маълум.

Бироқ, табиатан қўл ва дашт шароитларида яшашга мослашган бу жониворларни виллоятимиз, хусусан, Ўрта Чирчиқ туманида боқишнинг ўзи бўлмайди. О. Ўрмонов эса ҳеч иккиланмай бунга жазм этди.

– Аҳолига шифобахш туя сўти етказиб бериш мақсадида туячилик фермаси ташкил этилган, – дейди тadbиркор. – Ҳозир ҳовлидаги чоғроқ фермада бешта соғин туя, битта нортуя ва бешта бўталоқ бор. Бекте-мирлик тadbиркор Абдукарим Мамадов ёрдамида Қашқадарёнинг Косонидан олиб келинган туялар бу ерларнинг шароитига анча мослашиб қолди. Энди бу соҳада жиддий шуғулланиб, 50 бош туядан иборат ферма ташкил этиш мақсадида ҳокимликдан ер сўрамоқчиман.

Маммурижон БОЗОРАЛИЕВ,
Ўрта Чирчиқ тумани.

ЯҚИН ДЎСТ, БЕМИННАТ УСТОЗ

Республика Президентининг "Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича комиссия тузиш тўғрисида"ги Фармойиши ёшлар таълим-тарбиясини сифат жиҳатидан янада юксак поғонага кўтариш йўлида яна бир муҳим қадам бўлди.

Бизга ёздилар

Таъкидлаш жоизки, инсоннинг энг яқин дўсти ҳам, тўғри йўлни кўрсатувчиси ҳам, беминнат устози ҳам китобдир.

Вилоятимизнинг энг йирик таълим муассасаларидан бири – Гулбаҳор саноат касб-хунар коллежиди бугунги кунда 4 та йўналишда 1500 дан зиёд ўқувчи тахсил олмоқда. 26 та фан ва спорт тўғрисидаги улар ихтиёрида. Коллеж кутубхонаси фондиди ўқув дарсликларидан ташқари 20 мингдан зиёд бадиий китоб бор. Муассасанинг барча ўқитувчи ва ўқувчилари кутубхона аъзоси ҳисобланишади.

Ўқувчиларни кутубхонага жалб қилиш ва уларни китоб ўқишга қизиқтириш мақсадида турли тадбирлар, "Кувноқлар ва зукколар", "Заковат" ўйинлари ўтказиб турилади. Хар чоршанба тиллар кафедрасининг англис тили ўқитувчилари ташаббуси билан англис тили кўни ўтказилади. Улуг мутафаккирларимиз Алишер Навоий, Заҳриддин Бобур ва Соҳибқирон бобоимиз Амир Темур таваллудларига бағишлаб кутубхонада гуруҳларо қизиқарли тадбирлар уюштириш ҳам аниқланаётган.

Ўқув даргоҳимизда нафақат ўқувчилар, балки ўқитувчилар ҳам ҳар ҳафтада камиди битта бадиий китоб ўқишни одат қилишган.

Мухтасар айтганда, коллеж маъмурияти ва ўқитувчиларнинг саъй-ҳаракатлари билан китобхонлар сафи кенгайиб бораёпти. Кутубхоначилар Лола Султонова, Элёр Кундузов, Шаҳло Тўлаганова, Маҳбуба Тўрабекова ўқувчиларга ўзларини қизиқтирган китобларни танлаб мутолаа қилишларида ёрдамларини аямаяпти.

Ҳикматилла Тўлибоев,
коллежнинг тарих фани ўқитувчиси.

96 давлатнинг 178 шахридан келган 2 мингдан зиёд санъаткор иштирок этган танловда Ҳамрозебнинг бу натижаси фахрланас арзигulik ютуқ, албатта. Мазкур танловда биринчи ўринни Италия, 2-ўринни Ўзбекистон, 3-ўринни Туркия, Озарбайжон ва Франция ижрочилари эгаллашди.

Танловларда ўзимизнинг "Лазги" таронасини куйлаганимда, бутун зал жунбушга келди, – дейди Ҳамрозеб. – Залда рақсга тушмаган одам қолмади. Хорижликларнинг ажабтовур тарзда рақсга тушаётганини кўрсангиз эди... Ҳаммаси бир ажойиб. Саҳнада туриб, ўзбеклигимдан фахрландим. Ўзга давлатларда миллий қўшиқчилигимизга бу даражадаги эътибор ва қизиқиш кўриб, тўлқинландим. Мазкур танловларга қатнашимда Маданият вазирлиги ва Ўзбекистон давлат Консерваториясининг ҳиссаси катта бўлди. Қолаверса, беминнат ёрдам бергани учун "Олтин мерос" халқаро хайрия фонди вилоят бошқармаси бошлиғи Зарифа Эшмировага ўз миннатдорчилигини билдириб қолам.

Ҳар қандай бинонинг мустаҳкам бўлиши пойдеворга боғлиқ бўлгани сингари, ёш иқтидор эгаларининг бундай халқаро танловларда қатнашиши ҳам юқори натижаларнинг асоси бўлмоқда, десак янглишмаймиз. Ҳамрозебнинг бу ютуғи оила аъзоларига ҳам чексиз қувонч

бағишлади, шу билан бирга, унда ўзига нисбатан ишонч туйғуси янада ортди.

Истеъдод

Ҳамрозеб Деҳқонов яқинда Россия Федерациясининг Москва шаҳрида бўлиб ўтган халқаро кўриқ-танловларда миллий қўшиқчилигимизни маромига етказиб ижро этиб, ўзининг юксак истеъдод соҳиби эканлигини намойиш этди. Нуфузли ҳакамлар ҳайъати қарори билан унга фахрли иккинчи ўрин берилди.

ХОРИЖЛИКЛАРНИ «ЛАЗГИ»ГА ЎЙНАТГАН ҲАМРОЗЕБ



Қаҳрамонимизнинг санъатга қизиқиши бувиси ва онасидан ўтган экан. Улар ҳам санъат шайдоси. Болакайдаги иқтидорни кўришга, тумандаги мусика мактабига етаклаб боришган. Мазкур мактабда у қўшиқчилиқнинг

"алифбоси" билан танишди. Сўнгра Успенский номидаги республика мусика академик лицейида таҳ-

силни давом эттирди. Ўша пайтда у устозлар эътиборига тушди. Лицейда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Хуррият Исроилова, Ўзбекистон халқ ҳофиз Бекназар Дўстмуродов, Улмас Саиджонов, Бобур Кенжаев

каби устозлардан мақом сирларини ўрганди.

– Келажагим мусика билан чамбарчас боғланган. У менинг ҳаётим мазмунини эканига шубҳам йўқ. Чунки, ҳеч бир нарсаси юрагимга мусика каби яқин эмас. Келгусида юртимга сидқидилдан хизмат қиладиган инсон бўлиб, ўз куйларим билан кўнгилларга орзу, умид, яхшилик уруғларини қадамас, – дейди қаҳрамонимиз.

Ҳамрозеб лицейни имтиёзли диплом билан тугатиб, Ўзбекистон давлат консерваториясининг эстрада хонандалиги йўналишига юқори кўрсаткич билан ўқишга қабул қилинди. Ҳозирда Ўзбекистон санъат арбоби, профессор Дилором Омонуллоева, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист Зоя Цой ҳамда жонқуяр ўқитувчиси Дилшод Умаровдан қўшиқчилик сир-асрорларини янада пухта ўрганимоқда.

Шу кунгача 2 марта халқаро танловларда қатнашиб, назарга тушган. 2015 йили "Ягонасан, муқаддас Ватан!" республика кўриқ-танловида 1-ўринни қўлга киритгани ҳам қувонарли. Ўзининг "Ватан", "Баҳор", "Устозлар" ва бошқа дилтортар қўшиқлари билан вилоят ва республика тадбирларида фаол иштирок этиб келмоқда.

Яна бир гап. Паркентлик йигит Москвадан шу йилнинг июль ойида Италияда бўлиб ўтадиган халқаро кўриқ-танловда қатнашиш учун йўланамани ҳам қўлга киритиб қайтди.

Хурият НАЗАРОВА.



Халқимиз она табиат, она замин, она Ватан, дея меҳр билан тилга оладиган муқаддас тушунчалар қаторида яна бир сўз бор. Уни ардоқлаб тилга оламиз. Бу – она тарих! Тарихки, не-не замонлар, не-не умрлар силсиласига гувоҳ.

Олтин мерос

АБАДИЯТ НУРИ

Яқинда соҳибқирон Амир Темур таваллуду ва 18 апрель – Халқаро Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш кўнига бағишланган илмий-амалий анжуман тарихимизга сингиб кетган қадимий меросимизни ўрганиш, тиклаш, асраб-авайлаш мавзусига бағишланди.

Халқаро "Олтин мерос", Амир Темур жамоат фондлари ташаббуси билан ўтказилган анжуманда "Тошкент воҳасинининг маданий мероси – жаҳон олимлари тасаввурлари", "Маданий мерос намуналарида рамзлар ғояси", "Ватан мероси – тинчлик пойдевори" каби мавзуларда маърузалар тингланди. Асосийси, миллий маданиятимиз жонқуяри, қадимий хунармандчилигимиз, хусусан, ганчкорлик, кулолчилик санъати тарғиботчиси, Ўзбекистон фанлар академияси Тошкент археология институти илмий ходими Саида Усмонованинг "Тошкент воҳасининг IX-XII аср ганчкорлик санъати" китоби тақдироти иштирокчиларда катта қизи-

қиш уйғотди. Қарийб минг йиллардан буён замин бағрида сақланиб келадиган миллий хунармандчилик намуналарини авайлаб қазиб олиш, бўлақларини битта-битта йиғиб, бир бутун лаган, коса, пиёла ёки кўза ҳолига қайтариш заҳматини археологлардан яхшироқ тушунадиганлар бўлмас керак. Бу буюмлардаги нодир ёзувлар ҳалқимизнинг юксак маънавияти, юқори маданиятини кўрсатади. Улардан бирида шундай дейилади: "Сахийлик – динатли кишиларга хос фазилат".

Шунингдек, табиат манзаралари, ҳаёт рамзларидаги нозик ишоралар аждодларимизнинг ўткир мушоҳадаси, кучли салохиятидан дарак беради.

Дарҳақиқат, ўтмиши улуг, келажаги буюк халқимиз. Олтин меросимизни асраб-авайлаш ҳар биримизнинг шарофи бурчимиздир.

Сайёра РИХСИЕВА,
"Тошкент ҳақиқати" муҳбири.
Рашид ГАЛИЕВ олган сурат.

ОБ-ХАВО МАЪЛУМОТИ

Республика Гидрометеорология марказининг хабар беришча, 22 апрель кунги вилоятимизда ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайд. Шарқдан секундида 7-12 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 10-15, кундузи 20-25 даража илқ бўлади.

Республикаимизнинг тоғли ҳудудларида ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайд. 2200 метрдан баланд ҳудудларда қор қўчиши ҳавфи бор. Шарқдан секундида 7-12 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 5-10, кундузи 10-15 даража илқ бўлади.

Реклама ва эълонлар

I. Аукцион савдосига Ўрта Чирчиқ тумани суд ижрочилари бўлими томонидан, ЖИБ Ўрта Чирчиқ тумани судининг 2017 йил 26 январдаги 505-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Ўрта Чирчиқ тумани, Қорасув Қўйда жойлашган, "Тоза ҳаво" жарима майдончасида сақланаётган, 1984 йил ишлаб чиқарилган, "BA3-2105" русумли, д/р. 10C418 UA бўлган техник носоз автотранспорт воситаси такроран кўйилмоқда. Бошланғич баҳоси – 6 826 210,56 сўм.

Аукцион савдоси 2017 йил 10 май куни соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик). Аризалар қабул қилишнинг охири мuddати: 2017 йил 8 май куни соат 18.00 гача.

II. Аукцион савдосига Окқўрғон тумани суд ижрочилари бўлими томонидан, ЖИБ Окқўрғон тумани судининг 2016 йил 3 февралдаги 1-366-15-16-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Окқўрғон тумани, Х. Олимжон Қўй, Қизил тут қишлоғида сақланаётган, "Фиш ишлаб чиқариш" дастгори қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси – 59 492 000 сўм.

III. Аукцион савдосига Зангиота тумани суд ижрочилари бўлими томонидан, ФИБ Зангиота туманлараро судининг 07.10.2014 йилдаги ижро варақаси ва 20014-15/22-сонли ижро варақасига асосан хатланган, суд ижрочиларининг Зангиота тумани бўлими ҳолвасида сақланаётган, "BA3-2101" русумли, д/р. 10M 056 JA бўлган техник носоз, 1974 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси – 4 932 000 сўм.

IV. Аукцион савдосига Қибрай тумани суд ижрочилари бўлими томонидан, Тошкент вилояти Хўжалик судининг 29.02.2016 йилдаги 11-1602/2971-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти Иссиқлик манбаи гаражида сақланаётган қуйдаги автотранспорт воситалари қўйилмоқ-

"Respublika Mulk Markazi" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибиди ўтказиладиган очик аукцион савдоларига тақлиф этади!

да: 1. 1991 йилда ишлаб чиқарилган, "Газ-5312" русумли, д/р. 10 266 UAA бўлган техник носоз. Бошланғич баҳоси – 17 511 791 сўм. 2. 1988 йилда ишлаб чиқарилган, "Газ-31029" русумли, д/р. 10/277 UAA бўлган техник носоз. Бошланғич баҳоси – 15 920 923 сўм. 3. 1987 йилда ишлаб чиқарилган, "Газ-5204" русумли, д/р. 10/287 UAA бўлган техник носоз. Бошланғич баҳоси – 5 530 140 сўм. 4. 1993 йилда ишлаб чиқарилган, "Газ-531201" русумли, д/р. 10/223 UAA бўлган техник носоз. Бошланғич баҳоси – 2 778 590 сўм.

Аукцион савдоси 2017 йил 26 май куни соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик). Аризалар қабул қилишнинг охири мuddати: 2017 йил 24 май куни соат 18.00 гача.

Автотранспорт воситалари билан суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Талабдорлар савдо ташкилотчиси билан тузилган закалат келишувига асосан мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда "RMM" МЧЖнинг АИКБ "Ипак йўли банки" Сағбон филиалидаги х/р: 20210000300571452114, МФО 01036, ИНН 200933850 га тўлашлари шарт. Савдода иштирок этиш учун ариза, закалат пули тўланганини ҳақидаги тўлов ҳужжати нусхаси, вакиллар учун ишончнома, чет эл юридик ва жисмоний шахслари қўшимча равишда сўмдаги маблағларининг келиб чиқиши қонунийлигини тасдиқлайдиган маълумотлар тақдим этилади.

Аризалар қабул қилиш ва савдолар ўтказиш манзили: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамчи кўчаси, 1-А уй. Тел.: 228-79-52. www.rmm.uz

Гувоҳнома № 001805.

Соғинч

Мухаммад ЮСУФ,
Ўзбекистон Халқ шоири

Бизнинг бўстон қайда бор...

Ёмғир ёғар шитирлаб,
Нурми, ипак толалар.
Баҳор келса қиқирлаб,
Қирга чиқар лолалар.
Лолалар ҳар жойда бор,
Бизда бори қайда бор?..

Саман йўрга ер чизиб,
Тошда омон сирғалар.
Оқар ойни оқизиб,
Жилдир-жилдир жилғалар.
Жилғалар ҳар жойда бор,
Бизда бори қайда бор?..

Қўрингани дуолар,
Қилар бизда момолар.
Ғанимга ҳам омонлик,
Тилар бизда момолар.
Момолар ҳар жойда бор,
Бизда бори қайда бор?..
Бизнинг бўстон

Қўкни булут ўрайди,
Ерни ёмғир аллалар.
Райҳон ҳидин тарайди,
Донга интиқ далалар.
Далалар ҳар жойда бор,
Бизда бори қайда бор?..

Қалбга таскин изласанг –
Тургун чолни сўрагин.
"Тановар"ни тингласанг
Сел бўлади юрагинг.
Наволар ҳар жойда бор,
Бизда бори қайда бор?..

қайда бор,
Шоҳимардон қайда бор,
Сўлим Сурхон қайда бор?
Самарқандон қайда
бор-а,
Ўзбекистон қайда бор?!

Спорт хабарлари

ЭНГ МОҲИР ЧАВАНДОЗЛАР БЎСТОНЛИҚДА ЖАМ БЎЛДИ

Бўстонлик туманидаги "Алпур" базасида от спорти бўйича Жаҳон кубоги Марказий Осиё лигаси саралаш мусобақаларининг биринчи босқич баҳслари бошланди.

Ўзбекистон жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси ва От спорти федерацияси ҳамкорлигида ташкил этилган мусобақада Марказий Осиё мамлакатларининг энг моҳир чавандозлар от сакратиш бўйича ўзаро куч синашади. Мусобақани Литва, Польша ва Россиядан келган тажрибали ҳакамлар бошқаради.

Чавандозлик – узок асрлардан буён давом этиб келадиган миллий қадриятларимиздан. От спортининг конкур тури ҳам мамлакатимизда жадал оммалашмоқда. Буни чавандозларимизнинг халқаро миқдосдаги мусобақаларда қўлга киритаётган натижалари ҳам тасдиқламоқда. Ўзбекистон чавандозлари ўтган мавсумда Жаҳон кубогида муайян ютуқларни қўлга

киритди. Ушбу нуфузли мусобақанинг Қозоғистонда ўтган босқичида Аъзам Толиббоев, Қирғизистондаги баҳсларида Умид Комилов биринчи ўринни эгаллади. Тошкентдаги Гран-при турнирида Нуржон Туяқбоев бош соврин соҳиби бўлди. Ўзбекистонлик от спорти мулкчиларини Файрат Назоров ва Темир Азизов каби тажрибали чавандозларимиз ҳам ўз ютуқлари билан хушнуд этиб келмоқда.

Олимпия ўйинлари дастурига киритилган от спортини янада ривожлантириш йўлида Ўзбекистон от спорти федерацияси томонидан кенг қўлланма ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, кейинги йилларда мамлакатимизда халқаро тоифадаги ҳакамлар, замон талабларига

ри даражасида ишлай оладиган зоотехниклар, ветеринарлар ва от парвартишчи масъул бўлган мутахассисларга эхтиёж ортмоқда. Бу масалани ижобий ҳал қилиш учун Ўзбекистон от спорти федерацияси дунёда ушбу спорт турида ўз ўрнига эга бўлган россиялик ҳамкасблари билан ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйди.

Ана шу ҳамкорлик асосида от спорти бўйича етуқ мутахассисларни тайёрлаш, спортчи ва мураббийларнинг малакасини ошириш,

ўзаро тажриба алмашиш бўйича турли семинар ҳамда тадбирлар ташкил этилиши режалаштирилган.

"Алпур" базаси мезбонлик қилаётган Жаҳон кубогининг саралаш босқичида мамлакатимиз шарафини ўн нафар чавандоз ҳимоя қилмоқда. Мусобақа давомида иштирокчилар турли бандликдаги тўсиқлардан от сакратиш бўйича ўзаро куч синашмоқда.

Зоҳир ТОШЎЖАЕВ,
"Тошкент ҳақиқати" муҳбири.



ҒОЛИБЛИК НАШИДАСИ

Туманимиз ёш спортчилари Ўрта Чирчиқ туманида бокс бўйича ўсмирлар ўртасидаги вилоят мусобақасининг финал босқичида умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллади. Боксчиларимиз Анрен, Олмалик, Бекобод шахарлари ва Чиноз тумани вакиллари ортда қолдириб, тўртта олтин, иккита кумуш ва учта бронза медалга сазовор бўлишди.

Шунингдек, туманимиздаги 19-умумтаълим мактабидида ташкил этилган вилоят миқёсидаги стол тенниси мусобақасида юқори-чирчиқлик теннисчилар умумжамоа ҳисобида мутлақ ғолибга айланди. Бунда икки нафардан ўғил ва қиз теннисчиларимизнинг биринчи ўринни эгаллагани асосий омил бўлди.

Чирчиқ ва Олмалик шахарларида бўлиб ўтган энгил атлетика ва гандбол беллашувларида туманимиз ёшлари иккинчи погонани эгаллади.

Латифжон МАНСУРОВ,
Юқори Чирчиқ тумани.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

Бош муҳаррир

вазифасини бажарувчи

Файрат

ШЕРАЛИЕВ

Маънавият:

100000,

Тошкент шаҳри,

Матбуотчилик

кўчаси, 32.

Электрон почта:

thaqiqat@gmail.uz

Қабулхона:

Бош муҳаррир ўринбосари:

Маъсул котиб:

Бўлим муҳаррирлари:

Шартнома ва эълонлар:

Ҳисоб-китоб бўлими:

Телефонлар:

233-58-85 (факс)

233-70-10

233-79-96

233-12-83, 233-38-23, 233-48-08

233-81-21, 233-65-59

233-54-10

Тошкент вилояти Матбуот ва

ахборот бошқармасида 2011 йил

12 январда 03-001 рақами билан

рўйхатга олинган.

Газета таҳририят компьютер

марказида терилди ва

Т. Махмуджонов томонидан

саҳифаланди.

Маъсул котиб

Бехзод ҚОБУЛОВ

Набатчи муҳаррир

Сайёра РИХСИЕВА

Назоратчи мусоҳиҳ

Дилфуза САИДЖАМОЛОВА

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади.

Буюртма S-8825.

Адади 13 405.

Баҳоси келишилган нархда

Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қозғоқ жимими А-2.

ISSN 2010-9318.

"ЎЗБЕКИСТОН" наш